




“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзбек геология қидирув” АЖ
Кузатув кенгашининг
2026 йил «20» март даги
№ 03-2026 қарори билан

“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ “АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИКУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ АУДИТ
ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ

Тошкент-2026

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда — Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги УП-101-сон Фармони- “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратишга қаратилган ислохотларни янада жадаллаштириш тўғрисида”, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори-“2021–2025 йилларда давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” (1-илова), ҳамда “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда — Жамият) Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитасининг (кейинги ўринларда — Аудит қўмитаси) ҳуқуқий мақоми, таркиби, ваколатлари ва фаолияти тартибини белгилайди.

1.2. Аудит қўмитаси Жамият Кузатув кенгашининг қарори асосида энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш мақсадида ташкил этилади.

1.3. Аудит қўмитаси ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низом асосида амалга оширади.

II. Аудит қўмитасининг роли

2.1. Аудит қўмитаси Кузатув кенгашига назорат ва кузатув функцияларини амалга оширишда қўмаклашади ҳамда ўз ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича хулоса ва тавсиялар тайёрлайди.

2.2. Аудит қўмитаси назорат ва маслаҳат берувчи функцияни амалга оширади ҳамда Жамият ижроия органи функцияларини ўз зиммасига олмайди, шунингдек Кузатув кенгаши ёки Жамият ижроия органи ваколатига кирувчи бошқарув қарорларини қабул қилмайди.

III. Аудит қўмитаси таркиби

3.1. Аудит қўмитаси Жамият Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлиб, уч нафар аъзодан шакллантирилади. Қўмита таркибига камида битта мустақил Кузатув кенгаши аъзоси киритилиши шарт.

3.2. Аудит қўмитаси аъзолари Кузатув кенгаши аъзолари орасидан Кузатув кенгаши раиси тавсиясига кўра уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади.

Аудит қўмитаси раиси қўмита аъзолари орасидан Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудит қўмитаси раиси айна вақтда Жамият Кузатув кенгаши раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас.

3.3. Кузатув кенгашининг Аудит қўмитаси таркибига сайланган аъзолари чекланмаган миқдорда қайта сайланиши мумкин.

3.4. Аудит қўмитасига молиявий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида билим ва тажрибага эга бўлган Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси раҳбарлик қилади.

3.5. Аудит қўмитаси аъзолари аудиторлик фаолиятининг мақсад ва вазифаларига мос келадиган олий маълумот, малака ва тажрибага эга бўлиши лозим. Камида бир нафар қўмита аъзоси аудит, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот соҳасида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

3.6. Аудит қўмитаси аъзоси Жамиятнинг аудиторлик ташкилоти билан меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаслиги, шунингдек унинг мустақиллиги ва ҳолислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларга эга бўлмаслиги лозим.

3.7. Аудит қўмитаси аъзолари ўртасида функцияларни тақсимлаш Аудит қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади.

3.8. Жамиятнинг ички аудит хизмати Аудит қўмитасига ҳисобдор ҳисобланади.

IV. Аудит қўмитасининг асосий вазифалари

4.1. Аудит қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг молиявий ҳисоботларини тўғри тузилишини назорат қилиш;
- мустақил аудиторлик ташкилотини танлаш ва аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнларини кузатиб бориш;
- ички ва ташқи аудиторлик текширувлари натижаларини олиш ва ўрганиш;
- назорат, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тақдим этиш, уларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини назорат қилиш;
- ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот тайёрлаш ва ҳисоботларни Кузатув кенгаши йиғилишларига тақдим этиш;
- Жамият ички аудит хизматини ташкил этиш масалаларини, унинг раҳбари ва ходимларини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш ва тегишли таклифларни Кузатув кенгашига киритиш;
- ички аудит хизмати ходимларининг иш ҳақи миқдорини белгилаш ёки уларни қўшимча моддий рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш;
- ички аудит хизматининг йиллик бюджети ни тасдиқлаш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботларини ўрганиш ва уларни Кузатув кенгашига тақдим этиш;
- ички аудит хизмати ҳар бир ходимининг касбий маҳорати даражасини даврий равишда (йилига камида бир марта) баҳолаш, бунда унинг ахборотни танлаш, текширув ўтказиш ва хулоса тайёрлаш қобилиятидан келиб чиқиш;
- Жамиятдаги ички назорат тизими ва ички аудит фаолияти самарадорлигини баҳолаш, ички аудит текширувлари режаси ва уларнинг даврийлигини кўриб чиқиш, ички аудит хизмати раҳбари ўз вазифаларини қай даражада бажараётганини баҳолашда иштирок этиш ва ушбу масала юзасидан фикр билдириш;
- аудиторлик ташкилотининг таклифларини баҳолашда Кузатув кенгашига амалий ёрдам кўрсатиш, ташқи аудиторни танлаш ва тайинлаш бўйича Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш;
- аудиторлик ташкилотига тўланадиган ҳақнинг энг юқори миқдори ҳамда у билан шартнома тузиш (ёки бекор қилиш) тўғрисида Кузатув кенгашига таклифлар киритиш;
- аудиторлик ташкилотининг ҳисоботлари ва хулосаларини кўриб чиқиш ва уларни Кузатув кенгашига тақдим этиш;
- аудиторлик ташкилоти фаолияти қониқарсиз деб топилган тақдирда, уни алмаштириш бўйича Кузатув кенгашига тавсиялар бериш;
- Жамият фаолиятининг шаффофлиги ва ахборотларни ошкор этиш даражаси етарлилигини кўриб чиқиш.
- ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;
- аудиторлик ташкилотини жалб қилиш бўйича танлов (тендер) ўтказиш шартлари ва талабларини белгилаш;
- Жамият молиявий ҳисоботига сезиларли таъсир кўрсатадиган асосий бухгалтерия баҳолашлари ва касбий мулоҳазаларни кўриб чиқиш;
- молиявий ҳисоботнинг бузиб кўрсатилиши хавфларини, жумладан фирибгарлик хавфларини кўриб чиқиш ва уларни олдини олиш ҳамда аниқлаш бўйича чоралар етарлилигини баҳолаш;
- молиявий ҳисобот, аудит ва комплаенсга оид қисмида ички назорат тизими ва рискларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш;

– Жамиятда барқарор ривожланиш, экология ва иқлим соҳаларидаги молиявий бўлмаган ҳисоботнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги масалаларини (агар бундай ҳисобот мавжуд бўлса) кўриб чиқиш;

– Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

4.2. Аудит кўмитаси молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини назорат қилиш ва рискларни бошқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

- ички аудитнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига тақдим этади;
- аудиторлик текширувларини ўтказиш ташаббуси билан чиқади;
- аудит масалалари бўйича Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради.

Аудит кўмитаси йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

5.1. Аудит кўмитаси йиғилиши Аудит кўмитаси раиси томонидан ўз ташаббуси билан, Аудит кўмитаси аъзолари талаби асосида, шунингдек Жамият ички аудит хизмати раҳбарининг ёзма талабига биноан чақирилади.

5.2. Аудит кўмитаси ҳар чорак якуни бўйича ўз йиғилишларини ўтказиши шарт, зарур ҳолларда эса — ҳар ойда. Йиғилишлар кўмита аъзоларининг шахсий иштироки билан ёки бошқа алоқа воситалари орқали ўтказилиши мумкин. Аудит кўмитаси Жамият ижроия органи ва бошқа шахсларни йиғилишларга таклиф қилиши, зарур ҳолларда улардан ахборот талаб қилиши мумкин.

5.3. Агар зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган қоидабузарликлар аниқланса, Аудит кўмитаси аъзолари кўмита навбатдан ташқари йиғилишини чақиришни талаб қилишлари мумкин.

5.4. Аудит кўмитаси йиғилишлари Жамият Кузатув кенгаши йиғилишларидан олдин ўтказилади.

5.5. Аудит кўмитаси раиси йиғилиш иштирокчиларига йиғилишга муносиб тайёргарлик кўриш ва кўриб чиқилаётган масалалар муҳокамасида фаол иштирок этиш имкониятини таъминлайди. Аудит кўмитаси аъзолари кўмита йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларда иштирок этиш учун етарли вақт ажратишлари шарт.

5.6. Аудит кўмитаси йиғилиши, агар унда кўмита аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Бунда кўмита раиси иштирок этиши мажбурий ҳисобланади.

5.7. Аудит кўмитаси йиғилишида қарорлар иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.8. Йиғилишда масалаларни ҳал қилишда Аудит кўмитасининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Овозлар тенг бўлган тақдирда, кўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қабул қилинган қарорга рози бўлмаган кўмита аъзоси ўзининг алоҳида фикрини билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, у йиғилиш протоколига мажбурий тарзда илова қилинади ва Кузатув кенгашига юборилади.

5.9. Аудит кўмитаси қарорлари Аудит кўмитаси йиғилиши протоколи билан расмийлаштирилади. Протокол кўмита котиби томонидан юритилади ва овоз беришда иштирок этган кўмита аъзолари томонидан имзоланади.

5.10. Аудит кўмитаси котиби Жамият Кузатув кенгаши қарори билан ёки Аудит кўмитаси раиси томонидан Жамият ходимлари орасидан, ички аудит хизмати таркибига кирмайдиган шахслардан белгиланади.

5.11. Аудит кўмитаси раиси:

- Аудит кўмитаси ишини ташкил этади;
- Аудит кўмитаси йиғилишларини чақиради ва уларга раислик қилади;
- Аудит кўмитаси йиғилишлари протоколларини юритилишини ташкил этади;
- Жамиятнинг ички норматив ҳужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

5.12. Аудит кўмитаси котиби:

- Аудит кўмитаси йиғилишлари протоколларини юритади ва расмийлаштиради;

- кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва кўмита кўриб чиқиши учун такдим этади;
- Аудит кўмитаси қарорлари, хулосалари ва протоколларини тегишли қабул қилувчиларга етказди.

5.13. Аудит кўмитаси ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, Аудит кўмитаси Жамият Кузатув кенгашига такдим этиш учун тавсиялар ва хулосалар ишлаб чиқади.

Аудит кўмитаси тавсиялари инобатга олинган ҳолда Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар Жамият ижроия органи ва бошқа мансабдор шахслар томонидан белгиланган тартибда ижро этилиши лозим.

5.14. Жамият ички аудит хизмати раҳбари ва ходимлари Аудит кўмитаси йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этишлари мумкин.

VI. Аудит кўмитаси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Аудит кўмитаси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият ижроия органи аъзолари ва бошқа мансабдор шахслардан ўз фаолияти учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни такдим этишни талаб қилиш;
- аудиторлик ташкилоти ва ички аудит хизматидан ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш ҳамда улардан фойдаланиш;
- Жамиятга катта моддий зарар етказган ёки етказиши мумкин бўлган қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, ижроия органи йиғилишини чақиришни талаб қилиш;
- Жамият тузилма бўлинмалари ходимларидан, шу жумладан уларнинг раҳбарларидан кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан тушунтиришлар сўраш;
- айбдор ходимларни интизомий, моддий ёки бошқа жавобгарликка тортиш бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш;
- Жамиятнинг бирламчи бухгалтерия, молиявий ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш;
- зарур ҳолларда, кўмита раиси қарорига кўра, Жамият раҳбарларини ва Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини кўмита йиғилишларида иштирок этиш учун таклиф қилиш;
- масалани чуқурроқ ўрганиш зарурати бўлганда, ўз ташаббуси билан Кузатув кенгашининг бошқа кўмиталари фикрини сўраш;
- кўмита йиғилишларида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича белгиланган регламент доирасида сўзга чиқиш, шунингдек кун тартибидаги масалалар ва қабул қилинган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини протоколга киритишни талаб қилиш;
- мазкур Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Жамият Кузатув кенгаши тасдиғи учун киритиш;
- такдим этилган ҳужжатлар асосида тегишли хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни Жамият Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун такдим этиш;
- Аудит кўмитаси йиғилиши кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш.

6.2. Аудит кўмитаси аъзоларининг мажбуриятлари:

- ҳисоб сиёсати ни тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига такдим этиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;
- ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш учун Кузатув кенгашига тасдиқлашга номзодлар киритиш, шунингдек уларни лавозимидан озод этиш бўйича таклифлар такдим этиш.
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Низом, Жамият Устави ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажариш;
- қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият томонидан амалга оширилаётган харидлар устидан назоратни амалга ошириш;
- ички аудит хизмати фаолиятини назорат қилиш, жумладан унинг ҳисоботларини таҳлил қилиш ва фаолият самарадорлигини баҳолаш;

– молиявий ҳисоботнинг, шу жумладан консолидирланган молиявий ҳисоботнинг амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқлигини таҳлил қилиш ва назорат қилиш;

– Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва қонуний қутилмаларини ҳимоя қилиш тамойиллари асосида фаолият юритиш;

– Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик, махфийлик талабларига риоя қилиш;

– ташқи аудит ўтказилишини таъминлаш.

6.3. Аудит қўмитаси аъзолари қўмита йиғилишларида шахсан иштирок этишлари шарт. Агар иштирок этиш имкони бўлмаса, қўмита аъзоси иштирок этмаслик сабабини кўрсатган ҳолда Аудит қўмитасини хабардор қилади.

6.4. Аудит қўмитаси аудиторлик ташкилоти сўровига кўра ўз ваколати доирасида зарур тушунтиришлар ва ахборот олинишига қўмаклашади.

6.5. Жамият аудиторлик ташкилоти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари аниқланганлиги ҳақида, шунингдек аудиторлик текшируви давомида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда Аудит қўмитасини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

VII. Аудит қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги

7.1. Аудит қўмитаси аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилишлари ва белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари лозим.

7.2. Жамиятга зарар етказилишига олиб келган қарор бўйича овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарор қабул қилинишига қарши овоз берган Аудит қўмитаси аъзолари жавобгарликка тортилмайди.

VIII. Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур Низом “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

8.2. Мазкур Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши қарори билан киритилади.